



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 октябр, сешанба № 159 (1376)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КОЛЛЕЖ ҚУРИЛМОҚДА

Анджонда келаси йил ўрта махсус ўқув юрларининг «Баркамол авлод» республика мусобақалари ўтказиладиган асосий спорт иншоотларидан бири - спорт коллежи барпо этилмоқда. Объект бутун бир мажмуани ташкил қилади. 300 нафар талабага мўлжалланган уч қаватли замонавий ўқув биноси-дан ташқари бу ерда лойиҳа бўйича очик ва ёпиқ сузиш хавзалари, енгил атлетика, футбол, теннис ҳамда волейбол майдонлари, шунингдек, 20 минг нафар томошабин сигадиغان стадион қуриш кўзда тутилган.

Бош пудратчи «Анджонвилоятқурилиш» акционерлик жамияти ўнлаб кичик пудратчи қурилиш ташкилотлар билан ҳамкорликда уч сменалик ишни йўлга қўйган. Ўтган етти ой мобайнида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 1 миллиард 516 миллион сўмни ташкил қилди.

(ЎзА).

МДХНИНГ КИШИНЁВ САММИТИ



Кишинёв, 7 октябр. ЎзА махсус мухбири Саидмурод Раҳимов хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) саммитида иштирок этиш учун Молдова пойтахтига келди.

Саммитнинг расмий қисми бугун бошланди. Эрталаб Ислам Каримов президентларнинг тор доирадаги учрашувида қатнашди. Мулоқот чоғида МДХ органларининг фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Ҳамдўстлик доирасида ахборот макони ва эркин савдо зонаси яратиш, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жино-

ятчиликка қарши курашиш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар халқаро сиёсатга доир масалалар борасида ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги ялпи йиғилишида мазкур масалаларнинг муҳокамаси давом эттирилди. Давлат раҳбарлари иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалаларига бағишлаб алоҳида учрашув ўтказишга келишиб олди. Юрий Яров уч йиллик муддатга МДХ ижрочи котиби вазифасига тайинланди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини қатъий назорат қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳамдўстлик аксилтеррор марказининг Марказий Осиё бўйича бўлимини очиб

тўғрисида қарор қабул қилинди. Чегара соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш дастури, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш борасида 2003-2004 йилларга мўлжалланган қўшма чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури маълумланди.

Музокаралар якунида МДХга аъзо мамлакатларда қўшма аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги протокол имзоланди. Наркотиклар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашдаги ҳамкорлик концепцияси тасдиқланган ҳам маълум қилинди.

Шу билан МДХнинг навбатдаги саммити нихосига етди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО АНГЛАШУВ - УМУМИЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ



5-6 октябр кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни кутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари - Ислам Каримов, Нурсултон Назарбаев, Аскар Ақоев ва Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислам Каримовнинг Душанбега ташрифи ҳукумат қароргоҳида Тожикистон раҳбари билан учрашувдан бошланди. Унда Президентлар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тожикистон Президентининг Душанбеда бўлиб ўтган янги қароргоҳида мезбон мамлакат ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда икки ва кўп томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизда янги шаклда ташкил этилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» демократик тузилмадир. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, у аъзо давлатлар ўртасида ўзаро хурмат ва ишонч тамойилларига таянган ҳолда кенг қўламли мулоқотлар ўтказиш, умумий муаммоларга келишув ва маслаҳатлар орқали умумий ечим топиш имконини яратди. Илгари Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти фаолияти фақат иқтисодиётга

оид масалалар билан чекланган бўлса, унинг замида тузилган янги ташкилот олдида барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсади қўйилган. Шу боис Душанбе саммитида кўп ва хилма-хил масалалар муҳокама этилди.

Авалло минтақавий мамлакатларини бефарқ қолдирмайдиган Афғонистонда ҳали ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Ислам Каримов таъкидлаганича, Афғонистонда террор ўчоқлари яқсон қилинди, лекин мамлакатда ҳамон наркотик моддалар муаммоси барта-раф этилгани йўқ. Бундан ташқари, ҳали Афғонистонни қуролсизлантириш, марказий ҳокимиятни му-стаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда миллий армияни шакллантириш борасида кўп иш қилиниши керак.

Албатта, аксилтеррор операциясининг самараси ўлароқ Афғонистон тинч ҳаётга қадам қўя бошла-ди. Лекин мамлакат чет-дан келадиган ёрдамсиз оёққа туриб кета олмайди. Айни пайтда эса Афғонистонга ёрдам кўрсатиш борасида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида иш тутаётганини кузатиш мумкин. Президент Ислам Каримов қўшни юртга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро

мувофиқлаштириш такли-фини илгари сурди.

Гап шундаки, Токио конференциясида донор давлатлар Афғонистонга катта миқдорда иқтисодий ва молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилган эди. Кўмаклашишни зим-масига олган мамлакатлар вакиллари аввал Пре-зидент Ҳомид Карзай билан келишиб, турли йўналишлар бўйича алоҳида дастурлар тузди. Шун-дан кейин пудратчиға му-рожаат қилади. Афғон за-минига кириб борадиган асосий сармоя ва ёрдам эса Марказий Осиё ми-н-тақасидан ўтиши табиий. Минтақавийда қурилиш, қишлоқ хўжалиги, комму-никация, энергетика, хул-лас, барча соҳалар бўй-ича улкан салоҳият мав-жуд. Демак, Афғонистон-даги лойиҳаларни кели-шилган ҳолда биргаликда амалга ошириш мумкин.

Хусусан, Ҳомид Карзай Ўзбекистон Президентига мактуб йўллаб, Афғонистондаги ўнлаб кўприкни тик-лашда ёрдам сўраган. Ва-ҳоланки, қўшни ўлкада ба-жарилиши керак бўлган бундай ишлар анчагина. Уларни амалга ошириш ҳам Афғонистонга, ҳам минтақавий мамлакатла-рига фойда келтиради. Президентимизнинг маз-кур таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди ва саммитнинг якуний ҳужжа-тига алоҳида банд сифа-тида киритилди.

Бевосита иқтисодий со-ҳага келса, президентлар интеграция жараёнларига тўсиқ бўлаётган омиллар хусусида суҳбатлашди. Ке-лишувга биноан ҳукумат-ларга бу борадаги муам-моларни теран таҳлил

этиш ва амалий ечим то-пиш вазифаси топширил-ди. Жумладан, савдо-со-тиқни ривожлантириш учун божхона, чегара, со-лиқ каби соҳаларга оид масалалар кўриб чиқи-либ, уларни ўзаро муво-фиқлаштирувчи қарорлар чиқарилади.

«Марказий Осиё ҳам-корлиги» демократик ту-зилма, дедик. Ислам Каримов ташкилотнинг нуфузи ва самардорли-гини ошириш учун ми-н-тақавий ҳамжамият дои-расида қабул қилинган ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва иш бермаётган-ларини бекор этиш так-лифини илгари сурди. Маълумотларга кўра, шу чоққача Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ва унинг меросхўри бўлиши «Марказий Осиё ҳамкорлиги» доирасида жами 243 ҳужжат имзо-ланган. Саммит қатна-шчилари уларнинг ҳамма-сини қайта кўриб чиқи-шга келишди.

Ҳукумат қароргоҳида президентларнинг учра-шуви кенгайтирилган тартибда давом этди. Унда иқтисодий интегр-ация, транспорт комму-никациялари, ижтимоий, маданий алоқаларга доир масалалар муҳока-ма қилинди. Келишувга биноан, ноябр ойда Ўзбекистон пойтахтида минтақа миқёсидаги биз-нес-форум ўтказилади. Йил охиригача эса яна Тошкентда ташкилотга аъзо мамлакатлар парла-ментарий вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти камраб олган соҳа ва йўналишлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, вазирилик ва идоралар, корхона ва ташкилотларда кечайтган ислохотлар самарадорлигини мунтазам ошира бориш пировардида халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишига асос бўлади.

ИЖТИМОЙ СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил тўққиз ойи якунларига бағишланган йиғилиши кун тартибининг ўзиде мазкур соҳа нақадар кенг қўламага эга эканидан дарак беради.

Йиғилишида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чакирқи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифа ва масалаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-матрифей чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги Фармойишида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди, уларни амалга ошириш учун мажмуа тизимидagi вазирлик ва идоралар фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги ўқтирилди.

Йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонининг ижроси, «Қарияларни кадрларга қўйилган ҳар бир масала, ечимини кутаётган муаммо тўғрисида, айниқса, республикадаги мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси, ўқув даргоҳларини кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш, дори-дармон таъминотида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, маърифий ва мафқуравий соҳада олиб борилаётган тарғибот ишлари таъсирчанлигини янада ошириш борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х.Қариматов бошқарган мазкур йиғилишида муҳокама этилган масалалар ечими юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

2-5 октябр кунлари мамлакатимизда Аҳмад Абдулло ар-Рабе раҳбарлигидаги Кувайт парламенти делегацияси меҳмон бўлди. Меҳмонлар мамлакатимиз парламенти ҳамда қатор вазирилик ва идораларга бориб, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди. Ташрифнинг сўнгги куни Кувайт делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Рустам Азимов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Кувайт кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. Мамлакатларимизнинг бир-бирига қизиқиши иқтисодиёт билан чегараланмасдан, сиёсий, ижтимоий, маданий соҳаларда ҳам ўз аксини топмоқда. Бунга яқинда Кувайт парламентида Кувайт-Ўзбекистон дўстлик кўмитаси ташкил этилгани ақол мисол бўла олади.

Кувайт Ўзбекистондаги аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириш учун 19 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратган. Музокарада бу борадаги алоқаларни янада кенгайтириш билан бир қаторда, кадрлар тайёрлаш, банк, нефть қазиб олиш соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари хусусида гап борди.

(ЎзА).

ЖАҲОН ОСМОНИДАГИ ҚОРА БУЛУТЛАР

Терроризм муаммоси XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги, айниқса кейинги йилларда халқаро жамоатчиликни, дунёдаги ҳур фикрли, эзгу ниятли инсонларни қаттиқ ташвишга солиб келмоқда. Кун кеча Ҳиндистоннинг Гуджарат штатида содир этилган террорчилик хуружи, икки ой чамаси аввал Қандаҳор шаҳрида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзайга қарши амалга оширилган мўлжалланган кўпуровчилик ҳаракати, бугунги кунда ҳам Яқин Шарқ, Шимолий Кавказ, Филиппин жануби, Колумбия, Испания ва бошқа минтақаларда давом этаётган террор бутун инсониятга, демакки умумий тараққиётга ўз таъсирини ўтказмоқда. Ха-

лқаро терроризм — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Оврупо Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, кўплаб минтақавий, халқаро, нодавлат ва жамоатчилик ташкилотлари, қонунчилик ва ижроия, ҳуқуқ-тартибот органлари учун катта муаммога ай-ланди.

Маълумки, 2001 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Баёноти эълон қилинган эди. Бу воқеани кўнглида эзгулик туйғуси жўш урган, бунёдкорлик ишларига отланган инсонлар асло ёддан чиқармайдилар. Негаки, Ер юзини титратган терроризм балосига қарши кураш йўлида ушбу Баёнот алоҳида халқаро аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, 2001 йилнинг 11

сентябрий инсоният тари-ҳида мислсиз фожиа сифатида эсланади.

Шуни алоҳида таъкид-лаш керакки, 11 сентябр фожеасидан анча йиллар аввал, айтайлик 1993 йили, 1995 ва 1999 йил-ларда ўтказилган энг йи-рик халқаро анжуманлар-да Ўзбекистон раҳбари дунё давлатларини огоҳ-ликка, хушёр бўлишга ча-қириб, халқаро терро-ризм, диний экстремизм, наркотикине офатига қар-ши бутун жаҳон биргали-кда курашмоғи кераклиги-ни тақрор-тақрор баён эт-ган эди.

Халқаро терроризмнинг бугунги кундаги муҳим қиёфаси ҳақида гапирган-да, баъзи бир омиллар ва сабаблар ҳақида тўхталиш муҳим деб ўйлаймиз. Аввало, бундай зўра-

Йўқолсин терроризм

сониятга қарши ёвуз ре-жалар тузаётган муҳим-лигига айланиб бораётган-лиги жуда катта хавф яратмоқда.

Иккинчи омилга қисман бўлса-да, тўхталиб ўтдик. Халқаро терроризмнинг бу даражага етиши, унинг жаҳон цивилизациясига қарши «домий қора бу-лут»га айланиб бораётган-лигининг яна бир омили — кўплаб давлатлар, жа-ҳондаги соғлом сиёсий қучларнинг мана шу хав-фли офатга ўз вақтида етарли эътибор бермага-ни ва қатъият билан ку-раш олиб бормагани (ал-батта, 2001 йил 11 сен-тябргача бўлган дунё ми-қёсидаги сиёсий муҳит назарда тутилмоқда) деб ҳисоблаш мумкин.

Сабаблардан яна бири — умумий тараққиётга гов бўлаётган терроризм офатидан бирон бир мамлакат

зўравонлик хуружидан четда қолмаслигини, халқаро террорчиликнинг қонли қўли кўп жойга ети-ши мумкинлигини жаҳон ахли ўз ҳаётида кўрди. Бу ҳам катта сабоқ. Ва, ни-ҳоят, кейинги омил. Тер-роризм даҳшатига қарши халқаро ҳамжамият, авва-ло, қудратли давлатлар-нинг қучларини бирлаш-тириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарур. Бу балодан халқаро тер-роризм марказларини та-ғ-томири билан қўри-иб, йўқ қилиб ташлаш билангина кутулиш, де-макки, инсониятнинг омон қолишини таъмин-лаш мумкин бўлади. Кейинги пайтларда халқаро террорчи ташки-лотлар ва гуруҳлар ёмон қовунинг уруғидек кўпайди.

(Давоми 3-бетда)

ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗARO АНГЛАШУВ - УМУМИЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

(Боши 1-бетда)

Таъкидламоқ жоизки, «Марказий Осиё ҳамкорлиги»нинг самардор ташкилот эканлигига ана шу икки анжумандан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бизнес-форум ишбилармонларнинг янгибарахда, очикча мулоқот қилишга имконият яратса, парламентлар вакилларининг учрашуви ташкилот ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Бир мисол, Ўзбекистон билан Қозғистон яқинда давлат чегараларининг демаркацияси тўғрисида яқинда қилди. Музокараларда яқин кунларда

бу ҳужжат икки мамлакат парламентлари томонидан ратификация қилиниши таъкидланди. Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг барчасида ўзаро чегараларни демаркация қилиш тўғрисидаги тақдирини илгари сурганларида, саммит қатнашчилари уни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Замонавий муносабатлар замон талабларига мос бўлмоғи керак. Давлатнинг мустақиллик рамзларидан бири чегарадир. Демак, ўзаро муносабатларда ана шу жиҳатга ҳам эътибор бериш керак. Бир-бирининг суверенитетини ҳурмат қилган мамлакатларгина том маънодаги манфаатли ҳамкорлик

ўрнатиши мумкин. Саммит давомида президентлар ҳукуматларга сув-энергетика консорциумини тузиш тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқиш топширигини беришга келишиб олди. Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги минтақада талай муаммолар келтириб чиқармоқда. Консорциум ташкил этилиши билан нафақат сув, балки энергетика, ёқилғи билан боғлиқ масалалар ҳам ечим топади. Транспорт ва озиқ-овқат консорциумларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Транспорт коммуникациялари - интеграциянинг асосий унсури усулларидан бири. Бу билан божхона, чегара

муаммолари барҳам топади. Озиқ-овқат консорциуми тузилиши ҳам талай соҳадаги қийинчиликларга ечим топиш имконини бериши мумкин. Музокаралар якунида президентларнинг Қўшма коммюникеси имзоланди. Ислон Каримов ва Имомали Раҳмонов Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида давлат чегараларининг демаркацияси тўғрисидаги ҳужжатга ҳам имзо чекди. 6 октябрь куни Тожикистон Президентининг шаҳар ташқарисидagi қароргоҳида Орол муаммосига бағишланган саммит бўлиб ўтди. Унда президентлар Орол бўйидаги экологик

ва иқтисодий-ижтимоий инқирозни бартараф этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилди, Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси фаолиятини таҳлил этди. Келишувга биноан, ҳукуматларга 2003-2010 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Маълумки, минтақа мамлакатларининг табибосуси билан 2003 йил БМТ томонидан Жаҳон чучук сув йили деб эълон қилинган. Келаси йил Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси тузилганига ўн йил тўлади. Шу муносабат билан 2003 йилнинг сентябрида Душанбеда Орол масалаларига бағишланган халқ-

аро конференция ўтказилди. Таъкидламоқ жоизки, мамлакатларимизнинг қўшма саяё-ҳаракатлари ўлароқ, сўнгги йилларда Орол муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътибори кучайди. Бу денгизнинг ҳалокати минтақавий эмас, дунёвий муаммо эканлиги хорижда янада кенгроқ эътироф этила бошлади. Айниқса, Ислон Каримов таъкидлаганидек, бу йил Европада ёзги мавсум жуда серёғин келиб, анча муаммо туғдиргани «кўхна дунё» мамлакатларини Орол муаммосига янада жиддий ёндашишга мажбур этган бўлса, ажаб эмас. Саммитда президентлар Душанбеда Орол масалаларига бағишланган халқ-

иқлимидаги кескин ўзгаришларда Орол ҳалокатининг «улуши» қанчалигини таҳлил қилиб кўриш лозимлигини таъкидлади. Учрашувда халқаро жамғарма ижроия кўмитасининг ташкилий фаолиятини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарма самардорлигини ошириш учун унга муқим қароргоҳ яратиб беришга келишиб олинди. Шунингдек, президентлар Душанбе декларациясини имзолади. Ҳужжатда Орол бўйидаги вазиятдан ташвиш билдирилиб, уни ўнглаш нафақат минтақа мамлакатлари, балки бутун дунё халқлари манфаатига мослиги таъкидланди.

Шундай қилиб, Душанбеда Марказий Осиё президентлари икки тузилма фаолиятини ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашиб, фойдали қарорлар қабул қилди. Тожикистон пойтахти аҳли меҳмонларни мудом оқлишга турди. Душанбе кўчаларида самимият билан йўғрилган жуда қўллаб-шиорлар осилган эди. Уларнинг бири алоҳида диққатга сазоворлиги билан ёдимизда қолди - «Ҳамкорлик ва ўзаро англашув - умумий муаммоларни ечишнинг ягона йўли».

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент-Душанбе-Тошкент

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

МУХОЛИФОТ ЧЕКИНМОҚДА

Террорчилик хатти-ҳаракатлари, экстремизм, турли диний мутаассиб гуруҳлар ижобий жараёнларга ҳар доим тўсиқ қўйиб келмоқдалар. Жумладан, Непалда ҳам сайлов тадбирлари анчадан буён боши берк кўчага кириб қолган эди. Эндиликда бу ҳолат бироз юмшаганга ўхшамоқда. Шу боис Непал ҳукумати мамлакат қироллигига мурожаат қилиб, умумий парламент сайловлари ўтказиш муддатини 2003 йил ноябрга белгилашни сўради.

МИНГЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАРИ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг анжуманлари ҳақида энг долзарб масалаларга бағишланади. Яқинда уюштирилган матбуот йиғинида БМТ Бош котиби Кофи Аннан икки йил муқаддам қабул қилинган мингйиллик декларациясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳуусида тўхталди. У инсон ҳуқуқлари, демократияни янада ривожлантириш, адолатли бошқарув, вужудга келадиган низоларни тинч йўл би-

лан ҳал этиш, давлатлар ўртасидаги мулоқотларни такомиллаштириш каби масалалар тўғрисида батафсил тўхталди. Жумладан, оч-наҳор яшаётган одамлар сонини, 2015 йилга бориб ярмига қисқартириш, СПИД каби огир хасталиклар тарқалишининг олдини олиш, барча болаларни саводхон бўлиш имкониятларидан баҳраманд этиш энг муҳим вазифалар ҳисобланади, деди бош котиб.

ПРАГА УЧРАШУВИ ОЛДИДАН

Шимолий Атлантика Ҳарбий Уюшмаси — НАТОга аъзо бўлишга иштиёқманд давлатлар кўплаб топилди. Улар қаторида Болгария, Эстония, Латвия, Литва, Руминия, Словакия, Словения каби мамлакатлар бор эди. Бир неча ой давом этган дипломатик баҳслардан сўнг НАТО раҳбарияти маърузаларни аъзоликка қабул қилиш тўғрисида ижобий қарор чиқарди. Уларга ноябр ойи охирида бўлиб ўтадиган НАТОнинг Прага саммитидан олдин тақлифномалар юборилади.

ҚУДРАТИ ПУЛИГА ЯРАША

Жаҳонда ўзининг ҳарбий қудратини мутасил мустаҳкамлашга ҳаракат қилмайдиган

давлат бўлмаса керак. Куни кеча Буюк Британия мудофаа вазири Жефф Хун лейбористлар партияси конференциясида сўзга чиқиб, энг замонавий ҳарбий кемалар ва самолётлар сотиб олиш нияти ҳақида гапирди. Хусусан, кемалар ва самолётлар сотиб олиш учун 13 миллиард фунт стерлинг ажратилади. Бу тадбирлар 2012 йилга бориб тугалланади.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- Канада ҳукумати яна бир бор АҚШнинг Ироққа ҳарбий ҳужум уюштириш режаларига қўшилмаслигини билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Билл Грэхем «Канада энг даҳшатли уруш воқеаларига гувоҳ бўлишни истамайди» деди.
- Кариб денгизига рўй берган «Лили» довули Кубага катта зарар етказди. 37 мингдан зиёд уй вайрон бўлди. Фарбий Пинардел-Рио вилоятида қишлоқ ҳўжалик экинларининг катта майдонлари гораг қилинди.
- Туркияда зилзила рўй берди. Унинг кучи Рихтер жадвали бўйича 4,7 баллга етди. Энг кучли силкинишлар Султондаги шаҳри минтақасида сезилди.



Шарҳловчи минбари

ДУНЁНИНГ ЭНГ МАШХУР МУКОФОТИ

Швецияда Нобел ҳафталиги очилди. Етти кун давомида жаҳондаги энг нуфузли мукофотнинг эгалари аниқланади. Стокгольм ва Ослода турли мамлакатлардан йиғилган олимлар интиқлик билан мукофот кимга насиб қилишини кутаётди. Маълум бўлишича, шу ҳафтанинг ўзидаёқ олти соҳа бўйича совриндорлар номи эълон қилинади. Жумладан, физика, кимё, адабиёт, иқтисодиёт ва тинчлик йўлидаги саяё-ҳаракат-

лар учун мукофотлар. Йилга юзлаб номзодларнинг санокли қисмигина Нобел мукофоти соҳиби бўлади. Физиология ва тиббиёт соҳаси бўйича голиб аллақачон аниқланган. Физика бўйича эса совриндор 8 октябрь куни Швеция Қироллик фанлар академиясида маълум бўлади. Иқтисодиёт ва кимё бўйича ҳам шу ерда бир қарорга келинади. Тинчлик мукофоти эгасининг номи 11 октябрь куни эълон қилинади. Адабиёт соҳасидаги мукофот эгаси овоза

қилинадиган кун ҳали аниқланмаганича турибди. Бу йилги мукофот ҳажми ўн миллион швед кронасини ташкил этмоқда. Бу бир миллион АҚШ долларидан сал кўпроқ деганидир. Иқтисодиёт учун миллионлаб долларлик маблағ ажратилади. Нобел мукофоти олим вафот этган кун - 10 декабрда тантанали равишда тақдим этилади. Бу сафар ҳам Швеция қироли Карл XVI Густав олтин медал ва дипломларни топширади. Илк бор мукофот 1901 йилда марҳум Алфред Но-

ушбу банк томонидан молиялаштирилади. Алфред Нобел жамғармаси ўтган йили юз йиллик тўйини нишонлади. Хар йили ушбу муассаса томонидан илм-фан соҳасидаги ютуқлар учун миллионлаб долларлик маблағ ажратилади. Нобел мукофоти олим вафот этган кун - 10 декабрда тантанали равишда тақдим этилади. Бу сафар ҳам Швеция қироли Карл XVI Густав олтин медал ва дипломларни топширади. Илк бор мукофот 1901 йилда марҳум Алфред Но-

бел вафотидан беш йил ўтгач тақдим этилган. Олим ва тадбиркор Нобел хаёти давомида тўплаган 31,5 миллион швед кронасини (ҳозир бу 150 миллион АҚШ долларига тўғри келади) оиласи, қариндош-уруғларига васият қилмай, илм-фан, тинчлик учун кураш ва адабиётдаги ютуқлар учун сарф этишга қарор қилган. Унинг ўзи портловчи модда - динамит кашфиётчиси сифатида машҳур.

Шахноза МАТНАЗАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Бу йил Бош Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганга ўн йил тўлади. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш

борасида қандай ишлар амалга оширилди? Биз, фуқаролар Конституцияда белгиланган ҳуқуқларимизни яхши биламизми? Бурчларимизни-чи? Бош Қонуимиз бизга қандай

вазифалар юклайди? Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши жамият раванки учун қандай аҳамиятга эга? Республика «Маънавият ва маърифат» маркази

«Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Олим Хўжаев маҳалласида «Конституцияимизни ўрганамиз» мавзусида ўтказган анъанавий маърифий анжуманда

ана шу каби саволларга жавоб изланди. Самимий мулоқот рўҳида ўтган анжуманда йиғилганларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари - олимлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари жавоб берди. (ЎЗА).

Ҳукм ўқилди

Бухоролик Ойсулунинг (исми ўзгартириб берилган) бу ҳаётдан умидлари кўп эди. 16 ёшга чиқаётган бўлса-да, келажакда шифокор бўлиб, элга нафи тегишни дилига жо қилган эди. Аммо бу орзу ушалмади. Кимларнингдир хунрезлиги оқибатида ҳаётдан эрта кетди. Инсоннинг ҳаётда яшаш ҳуқуқи энг олий неъмат бўлиб, унга таъовуз қилиш, ҳаётдан маҳрум этиш энг огир жиноятдир. Бахтга қарши ондасонда бўлса-да, ана шундай аламли ва аччиқ ҳодисалар учраб турибди. Бир неча кундан буён давом этаётган суд жараёни бугун интихосига етади. Давлат айбловчиси сўнгги сўзини айтган, ҳукм ўқилади.

Қора кўрсуда ёши бир жойга бориб қолган Норкул Ҳалимов ва вояга етмаган Ҳасан Алиевлар ўтиришибди. Залдагиларнинг барчаси уларга нафрат ила тикилишади, жи-

мини терди... — Уйларинг яқинидаман, холанг келаяпти экан, кел бирга чиқиб кутиб олайлик. Поччасининг қабиҳ ниятини Ойсулун қардан билсин. Холасининг келаяптанини эшитиб, апил-тапил кийиниб кўчага отилди. — Ҳали вақт эрта, кел мана бу ерга бирпас ўтириб турайлик, — дея қоравулхонага бошлади. Шундан сўнг, уни мажбурлаб захриқотидан ичирчаг, ўзи яшайдиган уй сари етаклади...

Қиз йиғисидан Норкулнинг онаси Фароғат ая хабар топиб қолган, у яна Ойсулунни етаклаб қоравулхонага келади. Қоравулхонада ҳамтовоклар ароқнинг кайфияти доғ қотиб ухлаб ётарди. Пайтдан фойдаланган Норкул шу корхона директори хонасининг калитини олиб, Ойсулунни

РАЗОЛАТ

ноятчилар эса ерга боқишади. Ниҳоят ҳукм ўқилди. Н.Ҳалимов йиғирма йилга озодликдан маҳрум этилди, Ҳ.Алиев эса вояга етмаганлиги ҳисобга олиниб, уч йилга ахлоқ тузатиш колониясига борадигани бўлди. Жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олди. Лекин бизни бошқа нарса ўйлантиради. Қотиллик маҳалланинг шундайгина марказида содир этилсаю, ундан ҳеч ким хабар топмаганлиги ҳайратланарли. Ҳўш, унда маҳалладаги посбонлар ёхуд участка нозирлари қаерга қарашди экан. Келинг, яхшиси воқеа тафсилотига чуқурроқ ёндашайлик.

Норкул Ҳалимов шаҳардаги А.Набиев номли кўчада яшайди. Қўлида гулдай хунари бўлса-да, у ҳалол меҳнат қилиб, кўплар қатори яшашни ўзига эп кўрмади. Ўйли уйлантириб, қиз чиқариш ёшида бўлишига қарамай, гоҳ у, гоҳ бу ерда сандироклаб юрди.

Кўр-кўрни қоронғида топибди, дейишади. Бекорчининг ўзига ўхшаш ошноси ҳам кўп бўлар экан. Янги дўстлар билан топганини ичиб, кайфу сафо қилиб юраверди. Ойладан фазз кетиб, рўзғорга пўтур етган, эри-хотин ўртасида келишмовчилик ортиб бораверди. Қавм-қариндошларнинг бу ишга аралашуви фойда бермагач, оилага дарз кетди. Суд уларни ажратиб юборди.

Бора-бора Норкул бу аламни сингдиролмай, оиланинг бузилишида умрдоши Гулчехарнинг опаси Гулсарани «айбдор» билиб, ундан қасд олиш пайига тушди. Кўнлар кетидан ойлар ўтаверди. Юз ва кўлларида доғ кетса-кетдики, аммо қора юракка туғиб қўйган қабиҳ ният уни тарк этмади.

Кўнларнинг биринида собиқ умрдоши ва унинг опаси тижорат ишлари билан чет элга кетишгани қулоғига чалинди. Бунинг нечоғли тўғри эканлигини билиш ниятида Ойсулунларникига (Гулсаранинг кизи) бир-икки телефон қилиб, опа-сингиллар бу ердан узокда эканлигини билиб олди.

— Юрак «доғи»ни ювишнинг пайти келди, шундай қилайки, бир умр ёдларингдан чиқмайдиган бўлсин, — телефон гўшагини қўйган, кўнлидан ўтказди у. Шу ниятда уйдан чиқди-да, дўкундан битта ароқни олиб ҳамтовоклари Асқар Алиев ва Раҳим Муслимовлар ишлайдиган вилоят агрокимё лойиҳа қидирув станцияси қоравулхонасига келди.

Бу орада захриқотидан яна бир-икки таси бўшади. Ароқ ўз кучини кўрсатмай қолмади. Соат 21 лар чамаси Норкулни айтмаганда қоравулхонадагилар доғ қотиб ухлаб қолган эди. Айни муддао, Норкул телефон гўшагини олиб, Ойсулунларнинг уй рақа-

қўрқитиб, мажбуран ўша ёққа судрайди... Жирканч ниятини амалга оширган жиноятчи қоравулхонага қайтиб келганида Асқар Алиевнинг ўғли 16 ёшли Ҳасан Алиев отасига кечки овқат келтириб турган эди.

— Юр, сени бир жойга олиб бораман, — дея уни ҳам жиноятга шерик қилади. Директорнинг хонасига кўтарилишганда Ойсулун хўнг-хўнг йиғлаб ўтирарди.

— Ҳасан билан бўлсанг, сени қўйиб юбораман, йўқса ўша гап, ўлдираман. Ойсулунни уриб, тепиб, номусига теккани, бошқаларни ҳам жиноятга бошлагани камлик қилгандек, энди қотил галдаги жиноятга шайланди.

Тун. Ҳамма ширин уйқуда. Фақат агрокимё лойиҳа қидирув станцияси биносидан икки киши бедор. Бири инсон қиёфасидаги маҳлук фариштадек қиз умрига зомин бўлиш режасини тўзаетган бўлса, иккинчиси ўзгалар ёрдамига муҳтож, ҳаётдан, яшайдан умидвор, аммо шу тобда унинг оху зорини эшитадиган, ҳаётини сақлаб қоладиган бирон мард йўқ.

— Чик бу ёққа, — қўллари сим билан боғланган Ойсулунни икки қаватли бионинг мўрқонига судраб чиқди. Сўнг уни тепиб йиқитган, шу ерда ётган трубани бўйнига тираб куч билан босди...

Изни йўқотиш мақсадида жасадни пастга олиб тушиб, машинасига жойлади ва Когон тумани тасарруфидаги «Бўстон» ширкат хўжалигига қарашли Ботшо қишлоғидаги ариққа иргитиб юборди...

Ўйлаб ўйимизга етолмаймиз. Бундай бағри тош, ўз манфаати, нафси йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган кимсалар қаердан пайдо бўлади. Фожеа тафсилотлари билан танишар эканмиз, нахотки шу қабиҳликни инсон боласи амалга оширган бўлса, дея қайта-қайта савол берамиз. Бундай кўргилликлар ҳар бир инсон учун қайсидаги маънода аччиқ сабоқдир. Уринли савол: нахотки, ярамас Норкул ичкиликка ружу қўйиб ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилаётганини кўрганлар нечун қўриб кўрмаганга олдилар. Нечун қотилнинг онаси хунук воқеанинг олдини олиш учун курашади. Саволлар кўп. Аммо уларга баъзида жавоб тополмай қийналасан киши.

Юсуф НАЗАРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори.
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИККИНЧИ СМЕНА Бўш келмаяпти

Шўба корхонамизда меҳнат қилаётган 45 нафар ишчи-ҳодимларимиз меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг саъй-ҳаракати билан йил давомида 230 тонна нон, 36 тонна макарон, 12 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мухими, моддий фаровонликка жиддий эътибор қаратилган. Маъмурият билан имзоланган жамоа шартномасида ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш аниқ белгилаб қўйилган.

Корхонада иш асосан 2 сменада олиб борилди. Хар иккала смена бир-бирларига мусобақадор. Шу боисдан ҳам ҳар ойда голиб смена ишчиларига бир ойлик маош миқдориди мукофот пули берилмоқда. Ҳодимлар тўлиқ иш кийимлари билан таъминланган. Смена ишчиларига бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Нон ва булочка, макарон, қандолат маҳсулотлари тайёрланадиган цехларимиздаги махсус дам олиш хоналарида керакли жиҳозлар, бадий китоблар, радио, телевизор, шохмот-шашкалар мавжуд. Кундалик матбуот нашрларидан ҳам ишчиларимиз баҳраманд бўлмоқдалар.

Нон устаси Мирза Чориев, Насим Раззоқов, Зиёд Бобоев, Адолат Бобоева, Ҳожар Жабборова, Саломат Чўпоновалар корхонамиз ҳисобидан «Хонжиза» дам олиш уйида дам олишди. Гулноза Насимова, Анора Примкулова, Зулфия Аҳмедоваларга эса «Термиз ота» зиёратгоҳида бўлиб қайтишди.

Қандолат цехи бошлиғи Исмат Алиевга цех бошлиқлари орасида меҳнатда эришган ютуқлари учун қимматбахо эсдалик совғалари топширилди ҳамда умумтаълим ўрта мактабиди таълим олаётган фарзандлари учун ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар корхонамиз ҳисобидан олиб берилди.

Шермат ЗОКИРОВ,
Узув туманидаги «Нон ва нон маҳсулотлари» корхонаси касаба уюшма кўмити раиси.

ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий текшириш институтининг бир гуруҳ шифокорлари ЮНИСЕФ мутахассислари билан ҳамкорликда Япония ва Канада ҳукуматлари гранти асосида «Болалар ривожланишини назорат этиш» дастурини амалга оширишга киришди.

Мамлакатимизнинг айрим худудларидаги Орол муаммоси билан боғлиқ мураккаб экологик вазият болалар саломатлигига ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти. Ушбу дастурни амалга ошириш аниқ Оролбўйи худудидан бошлангани ҳам бежиз эмас. Дастур доирасида педиатрлар Қорақалпоғистон

Республикаси ва Хоразм вилоятидаги қишлоқ врачлари билан, тиббиёт мусассасларида бўлиб, гўдакларнинг соғлом ўсиши, улар соғлиғини самарали муҳофазалашга оид ўқув маҳсулотлари ўтказди. Махаллий болалар врачлари, ҳамшираларни бу борадаги зарур услубий қўлланмалар, адабиётлар билан таништирди.

Айни вақтда худуддаги беш ёшгача бўлган ҳар бир боланинг соғлом ўсиши, вазни, бўйи, ривожланиши, тиббий ҳолати қўриқдан ўтказилади, шифо масканларида зарур тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди.

«ЖЕЙНОВ» ЯНА ПЕШҚАДАМ

У.Юсупов туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов раҳбарлик қилаётган «Жейнов» ширкат ҳужалиги деҳқонлари пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарди. Кабул пунктларига етти минг тонна пахта етказиб берилди.

Мавсум охиригича ҳужалигимиз янги ҳирмони саломини 9 минг тоннага етказмоқчимиз,- дейди М.Саидов. - Бу йил барча соҳалардан жами 1,5 миллиард сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз.

«Жейнов» пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Йиғим-терим ишлари жадал бормоқда. «Жейнов» бу йил ҳам вилоятда пешқадамлар сафида.

(Боши 1-бетда)

Масалан, АҚШ давлат департаменти томонидан «қора» рўйхатга киритилган айрим террорчи ташкилотлар номини тилга олайлик: ХАМАС — Ислон қаршилик кўрсатиш ҳаракати. У Яқин Шарқ кескинлиги ва беқарорлигининг бош сабабчиларидан биридир. Жамоатул-Исламия. Ислон ақидапарастларининг Мисрдаги ашаддий гуруҳи. Хизбуллоҳ — бу ўта хавфли, мурасоис, ҳарбийлашган гуруҳ. Бош мақсади Исроилга қарши фақат қуроли кураш олиб боришдир. Ирландия Республикачилар Армияси (ИРА). Сўнгги 40 йил мобайнида бутун Оврпоуни, аввало, Буоқ Британияни ташвишлантириб келаётган ҳарбий ташкилот. Шарқий Туркистон Ислон ҳаракати. Бу террорчи гуруҳ Хитойнинг фарбидида ҳаракат қилади. Мазкур экстремистлар Хитойдаги мусулмонларга ва, хатто, Қирғизистон, Афғонистон, Қозғистон аҳолисига нисбатан ҳам бузғунчи гоюлар тарқатмоқда. Бундай террорчи, экстремистик, диний ақидапараст ташкилотлар сони ҳозирга келиб 35 тадан ошди.


Шу ўринда Президентимиз Баёнотида таъкидланган бир фикрни илова қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам

ЖАҲОН ОСМОНИДАГИ ҚОРА БУЛУТЛАР

илмий-назарий ўрганишининг даражасига боғлиқ. Шу кунларда жаҳон матбуоти Афғонистонда олиб борилган ақсилтеррор ҳаракатларни тез-тез эсламоқда. Дарҳақиқат, 2001 йилнинг 11 сентябрида содир бўлган фожевали воқеалар қанчалик эсланса, 2001 йилнинг 7 октябри ҳам шунчалик кўп ёдга олинмади.

Мамлакатимиз афғон заминиди тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан энг манфаатдор бўлган мамлакат сифатида БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди. Ёдингадиза бўлса, шу йилнинг 31 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами ташкил этиш ва юқ етказиб беришни ташкил этиш бўйича



Булунғур туманидаги «Булунғур меваси» Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари кўшма корхонаси ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Унда йилига 1000 тонна мева ва сабзавот, картошка қуритилапти. Маҳсулотлар асосан хоригга — Германия, Польша ва Россияга жўнатилаётир.

Суратларда: цех бошлиғи Бахриддин Ерматов ва муҳандис Тўлқин Идибоев; корхонада иш жараёни.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



АХБОРОТ МАРКАЗИ

Андижон вилоятида замонавий телекоммуникация воситалари соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар сони биттага кўпайди. Андижон шаҳрида «Андижон IАТР» маркази иш бошлади.

Марказ ташкил этилишидан мақсад — аҳоли, айниқса, ёш авлодни ахборот технологиялари билан таништириш ва бу имкониятдан кенг миқёсда фойдаланишни ўргатишдан иборат.

Марказда икки йўналиш бўйича таълим берилди. Биринчи йўналишда тингловчиларга шахсий компьютерда ишлаш, иккинчи йўналишда эса интернет тизимидан фойдаланиш ўргатилади.

Диққатга сазовор томони шундаки, марказдаги барча хизматлар бепул амалга оширилади.

Марказ АЙРЕКС - Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимлар айирбошлаш кенгаши ҳамда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди. 1968 йили АҚШда нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида иш бошлаган АЙРЕКС бугунги кунда дунёнинг 22 давлатида ўз ваколатхонасига эга. Ўзбекистонда эса 1992 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

Ахборот асри деб ном олган XXI асрда ахборот технологиялари билан танишиш, ундаги имкониятлардан унмлли фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда,- дейди марказ раҳбари Турсунной Қосимова. - Марказ жамоатчиликка интернет тизимида ишлаш имконини беради. Шунингдек, бу ерда марказ хизматидан фойдаланувчилар талаб ва илтимосига биноан махсус семинарлар ҳам ташкил этилмоқда. Яна бир эътиборли томони - «Андижон IАТР» маркази талаба-ёшлар ва мутахассислари АҚШга ўқиш учун жўнатиш дастурини ҳам амалга оширмоқда.

(ЎЗА).

БИРГАЛИКДА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Гиёҳвандлик Ер юзиди кўплари кишиларни, айниқса ёшларни ўз домига тортмоқда.

Бу борада қанчадан-қанча тарғибот-ташвиқот, тушунтириш, ишлари олиб борилаётган бўлсада, ҳозирча, кўзланган натижаларга эришилмаяпти.

Куни кеча Тошкент Давлат фармацевтика олийгоҳида «Гиёҳвандликка қарши биргалликда курашайлик» мавзуйида тадбир ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Файрат Қодиров, Миробод тумани ИИБ бошлиғи Фарҳод Мирзаев, туман ИИБ гиёҳвандликка қарши курашиш бўлими бошлиғи Дилмурот Шомиротовлар талабаларга гиёҳвандлик оқибатларини таъсирчан мисоллар орқали тушунтириб бердилар.

— Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ўқув юртлари талабаларидан бир нечтаси ички ишлар ҳодимлари томонидан қўлга олинди, - деди милиция полковниги Ф.Қодиров. - Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат педагогика, Тиббиёт ҳамда Аграр университетлари шулар жумласидандир. Гиёҳвандликка ружу қўяётганларнинг асосий қисми 18-20 ёшдаги талабалардир.

Тадбирда захри қотил асирга айланб, оғир куйга тушган Алик ва Ира исмли ёшлар

талабаларга гиёҳвандликка берилиш ўзини ўтга ташлашдан бошқа нарса эмаслигини гапириб бердилар.

— Мен, - деди Алик, - ёшлигимда спорт билан шуғулланардим. Мактаблараро мусобақаларда қатнашиб, яхши натижаларга эришганман. Аммо, 9-синфдалигимда танишларимнинг таклифи билан шу нарса-ни қўлимга олдим. Шундан сўнг ҳаётимда нотинчлик бошланди. Оғу келтирган қулфатларни сўз билан ифода этиш қийин. Ҳеч ким бундай азоб-уқубатларга дучор бўлмасин. Дўстларимдан ажралдим, тенгдошларимнинг кўпи ўз йўлини топиб кетди, аммо мен...

Тадбирда институтнинг Мазрифт ва маънавият ишлари бўйича проректори Ниғмат Олимов ҳам сўзга чиқиб бундай иллатларнинг бош омиллокайдлик эканлиги, бу эса қимматга тушаётганлиги хусусида алоҳида тўхталиди.

Бундай тадбирларнинг жойларда тез-тез ўтказиб турилиши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир қилмоқда.

К.ХУСАНОВ,
Тошкент шаҳар хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори, милиция майори.

Р.САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» муҳбири.

Тадбирларнинг таъсирчан кучи

Қашқадарё вилояти далаларида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш қизгин давом этмоқда. Воҳа пахтакорлари «оқ олтин»дан улкан хирмон кўтариш учун барча куч ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар.

Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган келишувда моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида эътибор берилган. Давлатга дон сотиш якунилари кўриб чиқилиб, энг юқори кўрсаткичларга эришган Шахрисабз, Деҳқонобод

ИСРОФГАРЧИЛИК УЧУН ЖАРИМА

ва Қашқадарё вилояти кенгаши рағбатлантирилди. Қашқадарё «Пахтакор», Шароф Рашидов номли, Қаршидаги Ю.Хушвақтов номли, У.Юсупов туманидаги «Жейнов», Шахрисабздаги Ф.Бобоев номли, Чирокчидаги «Чиял» ҳўжаликлари, мавсумда энг кўп галлани саранжомлаб берган Нишон туманидаги «Машина-трактор парк» очик ҳиссадорлик жамияти комбайнчиси Мардон Холиқов энгил автомашиналар билан тақдирландилар.

Вилоят ҳокими «2002 йилда пахта хомашёси ва галла етиштириш, сотиш ва уруғлик тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришган қишлоқ ҳўжалик илгорларини моддий рағбатлантириш тўғрисида» фармойиш қабул қилди. Шунга мувофиқ, йиғим-терим мавсуми сўнгиди ишчи гуруҳи томонидан давлат режасидан ортиқча пахта сотган ҳўжаликлар, фермерлар уюшмаларининг кўрсаткичлари таҳлил этилади.

Майдони 250 гектардан 500 гектаргача бўлган, давлатга маҳ-

сулот сотиш шартномавий режасини бажариб, юқори ҳосилдорликка эришган меҳнат жамоалари энгил «УАЗ» автомашинаси билан мукофотланади. Экин майда 500 гектардан 1000 гектаргача, шунингдек 1000 гектардан ортиқ бўлиб шартномавий режасини ошириб бажарган ширкатлар, фермер ҳўжаликлари уюшмаларига ҳам шундай энгил автомашиналари берилди.

— Голибларни аниқлашда сифат кўрсаткичлари алоҳида ҳисобга олинади, — дейди касабаси бошқармаси раҳбари.

Меҳнатни рағбатлантириш билан бирга исроф учун жарима берган ҳам белгиланган. Пахта хом терилган бўлса, ҳосил миқдори ҳисобга олинмаган ҳолда ҳар бир килограмм учун давлатга сотиш харид нарҳида жарима қўлланилади. Белгиланган меъёрдан ортиқча ифлослантириб терилган хомашё ҳажмининг 50 фоизи ҳисобга олинмайди. Машина теримида дала тайёрғарлиги талабга жавоб бермаган ёки ҳосилни ифлослантириб терилишига йўл қўйган ҳўжаликлар ва фермерларга ҳар бир тонна пахта учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдориди жарима қўлланилади.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

«Ишонч» қош этади КАСАБА УЮШМА ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ ТОПИЛДИ

Агросаноат мажмуи ҳодимлари Навбахор туман кўмитаси меҳнаткашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш, ариза ва шикоятлар билан барҳам қилиш билан шуғулланишга алоҳида аҳамият бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда иш ҳақи ўз вақтида берилмаётгани баён қилинган 24 аризининг асосий қисми қаноатлантирилди. Шунингдек, касабаси уюшма аралашуви билан «Янги қўрғон», Охунбоев номли, «Навбахор» ҳўжаликларида иш ҳақидан қарздорлик 45 миллион сўмга камайтирилди. Шу даврда меҳнаткашлар касабаси уюшмасидан 2 миллион сўм моддий ёрдам олди.

Касаба уюшма туман кўмитасининг яқинда бўлган йиғилишида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда юқоридаги ҳўжаликларда олиб борилаётган ишлар назоратдан ўтказилди. Шу

нарсга қайд этилдики, «Навбахор» ҳўжалигида ҳисобот даврида ишловчилардан 7 та ариза тушган бўлса, шундан 6 таси қаноатлантирилган. Моддий ёрдам мақсадларига касабаси уюшма ҳисобидан 27 100 сўм маблағ ажратилган.

Меҳнаткашларнинг 60 нафар фарзандлари тумандаги «Ўзбекистон» оромгоҳида дам олиририлди. Меҳнат хавфсизлиги жумладан, махсус кийим-бош, аптечкалар учун ажратилган 400 минг сўмдан 200 минг сўми сарфланган. Бирок, бу ерда муаммолар ҳам анчагина. Шулардан энг таассуфланарлиси иш ҳақи тўлашининг қониқарсиз ташкил этилаётганлиғидир. Шу кунгача ширкат аъзоларининг 40 фоиз ойлик маошлари ўз вақтида тўланмасдан келинмоқда. Касаба уюшма бадалларининг ўз вақтида тушмаслиги ва бошқа камчиликлар оқибатида моддий ёрдам, мукофот пуллари жуда кам миқдорда тўланган. Касаба уюшма кўмитасининг иж-

тимоий суғурта бадалларидан қарздорлиги эса ўтган давр ичида меҳнаткашларга сиҳат-гоҳларга биронта ҳам йўлланма ажратилмаслиғига сабаб бўлди. Йиғилиш мазкур касабаси уюшма кўмитаси фаолиятини қониқарсиз деб топди.

Охунбоев номли ширкат ҳўжалигида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Касаба уюшма кўмитаси бюджетиди маблағ етишмаслиғи сабабли моддий ёрдамга оид 21 та аризининг биронтаси ҳам қаноатлантирилмаган.

Юқоридаги каби камчиликлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, баъзи касабаси уюшма етакчиларида билим, қатъийлик, ташкилотчилик етишмаяпти. Боз устига мурасосозлик, боқимандлик тараққийга тўғанок бўлмоқда. Бозор шароити эса имиллашни кечирмайдди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

**Қобилбек
КАРИМБЕКОВ,**
сиёсий шарҳловчи.

ЎЗБЕК КУРАШИ ТАҚДИМОТИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан миллий спорт тури - кураш 1998 йили жаҳон майдонига чиқди. Мана, 4 йилдирки, барча қитъаларда миллий курашимиз бўйича чемпионатлар, нуфузли мусобақалар, оммабоп турнирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда курашнинг мазкур тури бўйича IV жаҳон чемпионати ҳам бўлиб ўтди.

Буларнинг ҳаммаси кураш Олимпия ва Осиё ўйинлари спорт турлари қаторига киритишга қаратилган эди. Шу маънода, 14-Осиё ўйинлари ўтказилаётган Пусан шаҳридаги Янгсан спорт мажмуида 4 октябрда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари учун янги бўлган спорт тури - кураш тақдими ҳақиқий тарихий санага айланди.

Халқаро майдонга бор-йўғи тўрт йил аввал чиққан ўзбек спортчи Халқаро Олимпия Кўмитасининг Осиё бўлини аэтирофига сазовор бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, бу жаҳон спорт тарихида бекиёс воқеадир. Бундай қисқа муддатда биронта спорт тури бу қадар жадал суръатлар билан ривожланмаган ва бу қадар эътироф этилмаган.

Шу қисқа вақт ичида кураш том маънода халқаро спорт турига айланди. Сайёрамизнинг барча қитъаларида у билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Энг муҳими, Кураш Халқаро Олимпия Кўмитаси ўйинларидан жой ола бошлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, курашдек қизиқарли спорт тури дунёга тўхфа этган Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигидек миллий спорт тури дунё ҳамжамияти мулкига айланган санокли давлатлар қаторига қўшилди.

Илгари ҳабар қилганимиздек, Пусандаги Осиё ўйинларида кураш тақдими Осиё Олимпия Кенгаши раҳ-

барияти, шахсан унинг президенти шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ томонидан расман маъқулланди. Бугун замонавий Янгсан спорт мажмуида кураш тақдими катта мувафқият билан ўтказилди. Бу тадбирда бир неча минг томошабин иштирокида Осиё Олимпия Кенгаши Бош қотиби Р.Сингх, вице-президенти Ф.Раҳимов, спорт кўмитаси раиси В.Жизон ва Осиё ўйинларида иштирок этган 44 та мамлакат вакиллари қатнашди.

Тақдирот маросими аввалида Халқаро кураш ассоциацияси президенти ва курашнинг халқаро қоидалари муаллифи, таниқли спортчи Комил Юсупов ушбу чинакам ўзбекча ку-

Фахр

раш тури усулларини кўрсатиб берди. Шундан сўнг Мўғлистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркманистон ва Ўзбекистон полвонларининг кўргазмали чиқишларида томошабинларга кураш қоидаларининг ўзига хос жиҳатлари намойиш этилди ва бир қанча кўргазмали жанглр ўтказилди. Тақдирот якунида томошабинлар стадионда ўрнатилган улкан экранда ўзбек спортининг қадим ва бой тарихи, бугунги кунда дунё майдонидида жадал ривожланаётган тўғрисида фильм томоша қилишди.

Шундай қилиб, курашнинг жаҳон майдонидида янада раванқ топиши йўлида хал қилувчи қадам қўйилди. У спортининг келгусида Олимпия ўйинлари расмий дастурига киритилишида муҳим аҳамиятга эга.

(ЎЗА).

XIV Осиё ўйинлари

УЛАР КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИЛАРИ

Айни кунларда спорт ихлосмандларининг нигоҳи Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрига қаратилган. Мана ўн кундирки, бу ерда қитъанинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — XIV Осиё ўйинлари зўр мувафқият билан ўтказилмоқда.

Мазкур мусобақада учинчи маротаба иштирок этган вакилларимиз бу гал 24 спорт тури бўйича 420 та медал учун баҳс олиб боришмоқда. Қувончлиси, ҳамюртларимизнинг қатнашуви мусобақадан-мусобақага ҳам сон, ҳам сифат нуқтаи назаридан ўсиб бормоқда. Массалан, илк маротаба, 1994 йил Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтган беллашувларда 21 та спорт тури бўйича баҳсларда вакилларимиз 10 та олтин, 11 та кумуш ва 21 та бронза медаллари билан тақдирланган бўлишса, Таиланд пойтахти Бангкокда ташкиллаштирилган навбатдаги қитъа ўйинларида галабаларимиз салмоғи янада ошди.

43 мамлакатнинг 18 минг нафарга яқин спортчилари иштирок этган бу галги мусобақаларда ҳам юртдошларимиз зафарли юришларини давом эттиришмоқда. Бинобарин, сўнгги 10 кун мобайнида 5 та олтин, 6 та кумуш ва 7 та бронза медаллари қўлга киритилди. Хусусан, спорт гимнастикаси, дзюдо, велоспорт, академик эшак эшиш ва юнон-рум кураши усталари салмоқли натижаларга эришдилар. Моҳир велоспортчи Сергей Крушевский терма жамоамизга биринчи олтин медални тўхфа этган бўлса, кейинчалик Ольга Чусовитина (спорт гимнастикаси), Равил Ничаев (сузиш), Сергей Чеглаков (юнон-рум кураши)лар кўксини ҳам ол-

тин медаллар безади. Шунингдек, айни пайтда «чарм қўлқоп» усталаримиз ҳамда эркин курашчиларимиз ҳам мусобақаларни мувафқият билан давом эттиришаётир.

Кези келганда алоҳида фахр билан таъкидлаш ўринлики, ҳамюртларимиз қўлга киритаётган ушбу ютуқларда касабаси уюшма спортчилари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. 17 нафар касабаси уюшма спорт тарбияланувчиси Пусан майдонларида Ватанимиз байроғини юксак кўтариш учун астойдил кураш олиб бормоқда. Айниқса, академик эшак эшиш ҳамда юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича қатнашаётган вакилларимиз иштироки кишини хушдун этади. Чунончи, маҳоратли курашчимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги бир қанча мусобақалар, халқаро турнирлар совриндори Дилшод Орипов мусобақага жўнаш олдидан ажойиб спорт формасида эканлигини таъкидлаб, насиб этса, она юртга албатта медал билан қайтишни ваъда қилган эди. Дарҳақиқат, Дилшод Орипов беллашувларга пухта тайёргарлик кўрганлигини намойиш этиб, финал баҳсига қадар барча рақибларини осонлик билан мағлуб этди. Хал қилувчи баҳсдагина унга бироз омад этишмади. Шу билан бирга жаҳон спорт ихлосмандларини ўзига маҳлиё этган «гимнастика маликаси» Ольга Чусовитина ҳам совринлар жағмармасини янада бойитди: унинг шарафига икки бор Ватанимиз мадҳияси голибона янгради. Шунингдек, у икки марта кумуш медалларни қўлга киритишга мувафқият бўлди.

К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

НИМ ТАБАССУМ

Уқитувчи болалардан:

— Туш кўриш нима? — деб сўради.

— Туш-уйқудаги кино, — деб жавоб берди билагонлик билан бир ўқувчи.

Онаси билан ҳола-синикига меҳмонга борган Эладан:

— Қорнинг очми? — деб сўрашди.

Эза эса онасига қараб:

— Ойижон, қорнинг очми? — деди.

— Ўғлинг ким бўлмоқчи?

— Юрак хасталиклар бўйича врач бўлмоқчи.

— Бўлмагур гап, ундай бўлса ўғлинг очидан ўлиши мумкин.

— Нима учун?

— Чунки инсонда битта юрак, аммо 32 тиш бор.

— Бугунги кундаги кўп тарқалган хасталиклардан бири, хонада кўп ўтириш, очик ҳавога чиқмаслик. Мен сизга умуман дори-дармон бермайман, чунки сизнинг касаллигингиз ҳам ана шундай хасталик.

Яхшиси сиз ҳар кун икки соат очик ҳавода сайр қилинг. Бир ойдан сўнг эса менинг олдимга мутлақо бошқа одам бўлиб келасиз.

— Хўп бўлади, — деди бемор ва доктордан сўради.

— Айтинг-чи жаноб доктор, ишдан олдин сайр қилганим маъқулми ёки кейинми?

— Касбингиз нима?

— Сўради доктор.

— Хат ташувчиман, — жавоб берди бемор.

— Менинг маслаҳатларимга риоя қилдингизми? — сўради врач ўйқусизликдан азоб чекаётган бемордан.

— Ҳа, албатта, — жавоб берди бемор. Ҳар кун уйқудан олдин 37 677 гача санапман.

— Шундан кейин ухла қолаётгандирсиз? — сўради врач бемордан.

— Йўқ, санаб бўлганимда ўрнимдан туришимга тўғри келаяпти, чунки шунча сонни санаб бўлганимча тонг отиб қолаяпти-да!

Немисчадан Шухратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.

«ЯХШИ НИЯТ» ҚИШЛОҒИ

ни газ билан таъминланган.



Янги маҳаллага «Яхши ният» деб ном берилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда сўзга чиққанлар зарур даяларда ҳамюртларига ёрдам қўлини чўзган, меҳнати, маблаг-

ни аямаган саховатпеша курувчиларга, хомийларга миннатдорлик билдирди.

Маросимда Фарғона вилояти ҳокими Алишер Отабев иштирок этди.

(ЎЗА).



СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Қарши шаҳри туғруқхонасида 9 та бўлим бўлиб, асосан ҳомиладор аёлларни даволаш, чакалоқларнинг соғ-саломат дунёга келиши учун хизмат кўрсатилади. Бу ерда 50 нафар олий маълумотли врач, 254 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қиладилар. Жумладан, 30 ўринли гинекология бўлими фаолият кўрсатмоқда. — Ўтган йил бошидан Қарши шаҳар туғруқ комплексига айланти-

рилгач, масъулият янада ошди, — дейди бош шифокор Салима Очилова. — Оналар мактаби ёш олиб бораёпти. Тажрибали педиатр Халима Шамсиева ёш оналарга маслаҳатлар бериб туради.

Дарҳақиқат, шифохонада «Она сутининг аҳамияти», «Баркамол авлод соғлигини муҳофаза қилиш» мавзуларида тез-тез суҳбатлар ўтказилади. Хожар Султонова, Саломат Тўраева, Турсуной Примо-

ва, Баҳодир Жалилов, Собира Курбонова сингари шифокорлардан беморлар хурсанд.

Суратларда: 1. Педиатр врач Халима Шамсиева. 2. Тиббиёт ҳамжамияти Дирлабо Абдимуродова. 3. Шифохона бош врач Салима Очилова ёш она билан.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

Ўғим

ДУО ОЛГАН ОМОНДИР

Бирисин ой англа, бирисин қуёш

жарса Аллоҳ йўлида эл-юрти учун хизмат қилаётган фозиллар билан баробар ажр ва савобларга эга бўлади. Пайгамбаримиз Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам «Кимга яхшилик қилай?» деб сўраган саҳобага уч марта онанга деб, тўртинчисиди отангга деб айтибдилар. Муборак ҳади-си шарифда «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир» дейилиши ҳам бежиз эмас.

Дастурхонга қўйилган ноз-неъматларга ота-онадан аввал ҳеч ким қўл узат-

майди. Тарбия кўрган фарзанд ота-онанинг олдида тушиб юрмайди.

Иззат-ҳурмат ота ва онани, шунингдек, фарзандларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир. У ота-онани қулфат ва ғамдан, фарзандлар-

ни эса виждон азобидан қутқаради.

Бошни фидо айла ато қошига, Жисмини қил садқа ано бошига.

деб қулоғимизга қуядилар бобомиз Алишер Навоий.

га сазовор бўлганлар жуда кўп. Тошкентнинг «Ракат» маҳалласида Шамсиевлар хонадони бор. Оила бошлиғи Нусратилла ота умр

кўринлар» деб узоқ дуо қилдилар, қалима келтириб бандаликни бажо келтирдилар. Жанозага тумонат одам йиғилди. Гуруч курмакисиз бўлмаганидек, ота-онани беҳурмат қиладиган, кексайиб қўйна-либ қолганларида улардан хабар олишни унутиб қўядиган баъзи ёшларимиз ҳам учраб туради. Баъзилар, алҳазар... Ёши бир жойга этиб куч-қувватдан қолган, этиб борга, меҳрга зор ота-оналарини қариялар уйига элтиб қўйиш шаънимизга доғ бўлиб тушади-ку. Фарзандларнинг ота-онани қадрлаб-маслиги кўрнамақликдир. Жаҳоннинг бутун гурури оналардан, оталардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, ота-онасиз фазогир ҳам, қаҳрамонлар ҳам йўқ. Инсондаги бутун гўзаллик қуёш нурию, она-ота меҳридан.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

«ПОЛВОН» ЁШЛАРГА ҚУЧОҚ ОЧДИ

Жондор туманининг Маҳмуд Торобий номидаги ширкат хўжалигида «Полвон» спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуада ёшлар миллий кураш, стол тенниси, шахмат-шашка, оғир атлетика ва спортнинг бошқа турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга.

Янги спорт мажмуининг очилиш маросимида Соғлом авлод давлат дастури асосида вилоятда спортнинг барча турларини ривожлантиришга мунтазам эътибор берилётгани, бу борода етарли шароитлар яратилганлиги таъкидланди. Спорт мажмуи ёшларнинг сеvimли даргоҳига айланиб қолажигига ишонч билдирилди. Маросимда Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Миллий университети «Маънавият ва маърифат» марказида Ўзбекистон Қарамони, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафидинов билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мазкур даргоҳнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди.

Учрашувда мазкур университет ректори Т.Долимов, таниқли адиблар Э.Воҳидов, И.Фаруков ва бошқалар хозирги ўзбек адабиётини ҳақиқатан ҳам туб ўзгаришлар, захматқаш олим О.Шарафидиновнинг бу жараён ривожига қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳақида сўзлади.

(ЎЗА).

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимжўяева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш - 22.50

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.